

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИННИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ТАРКИБИ

Х.А.Облакулов – география фанлари бўйича фалсафа доктори

Ё.Р.Буранов – таянч докторант

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: аҳоли, уруғ, Мангит, лоқай, қўшқи, Найман, Чимбой, миллий-этник.

Ключевые слова: население, родословия, Мангит, лоқай, кошки, Найман, Чимбой, национально-этнический.

Key words: population, genealogy, Mangit, lokai, cats, Naiman, Chimboy, national-ethnic.

Кирриш. Навоий вилоят аҳолиси миллий таркиби, ўзининг ниҳоятда мураккаблиги ва ўзига хос жиҳатлари билан бошқа вилоятлар орасида ажралиб туради. Хусусан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари каби Навоий вилояти ҳам кўп миллатли вилоят ҳисобланади. Жумладан, ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, украин, озарбайжон, тожик, арман, туркман, татар, яҳудий, корейц ва бошқа миллатлари яшайди. Шу боис, Навоий вилоят аҳолисининг миллий-этник таркиби аҳолининг жойлашуви, шаклланиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганиши тақазо этади.

Асосий қисм. Вилоят аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этиб, уларнинг улуши 1995 йилда 71,9 фоиз, 2005 йилда 79,1 фоиз ва 2022 йилда 88,6 фоизга тенг (1-жадвалга қаранг). 1995-2005 йилларда ўзбеклардан кейинги ўриндаги қозоқ, қорақалпоқ, рус ва тожикларнинг улуши нисбий кўрсаткичларда қисқарганлигини кўришимиз мумкин.

2005-2022 йиллар давомида вилоятда номаҳаллий миллат вакиллари салмоғи биров камайган. Маҳаллий миллат вакиллари орасида ўзбеклар, тожиклар ва қорақалпоқлар микдори кўпайиб бормоқда. Айни вақтда тожик ва қорақалпоқлар вилоят аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил этади. Охириги йилларда бошқа миллат вакиллари камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби улардаги миграция (бунда асосан қозоқ ва русларнинг салмоғи юқори) жараёнининг юқорилиги ва туғулиш кўрсаткичининг биров пастлигидир.

Вилоят аҳолисининг миллий таркибида бирмунча фарқлар мавжуд бўлиб, миллатларнинг ҳар хиллиги, яъни этник жиҳатдан юқорилигини кўриш мумкин. Масалан 2022 йилда руслар 16131 кишини ташкил этса 1995 йилда бу кўрсаткич 57165 киши ташкил этган (1-расмга қаранг). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятда русларнинг 92,8 фоизи Навоий, Зарафшон ва Учқудук шаҳарларига тўғри келса, 7,2 фоизи қолган туман марказларидаги шаҳарларга тўғри келади.

1-жадвал. Навоий вилояти аҳолисининг миллий таркиби

Миллатлар	1995 йил		2005 йил		2022 йил	
	Аҳоли сони	Жамига нисбатан фоизда (%)	Аҳоли сони	Жамига нисбатан фоизда (%)	Аҳоли сони	Жамига нисбатан фоизда (%)
Жами аҳоли	731574	100,0	810194	100,0	1033857	100,0
Ўзбек	526056	71,9	640941	79,1	916 276	88,6
қорақалпоқ	17460	2,3	20138	2,4	23 284	2,2
рус	57165	7,8	36490	4,5	16 131	1,6
украин	5143	0,7	2984	0,3	843	0,08
қозоқ	75945	10,3	66761	8,2	37 066	3,6
озарбайжон	4563	0,6	4324	0,5	4 204	0,4
тожик	11193	1,5	12347	1,5	14 155	1,4
арман	853	0,1	703	0,09	284	0,03
туркман	466	0,06	522	0,06	252	0,02
татар	14835	2,3	10782	1,3	6 012	0,6
яҳудий	1131	0,1	847	0,1	619	0,06
корейц	1504	0,2	1154	0,1	766	0,7
бошқа миллатлар	15260	2,0	12201	1,5	13 965	1,3


Жадвал Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотари асосида тузилди. Бунинг асосий сабабларидан бири рус миллат вакиллариининг саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида кўплиги шунингдек, ўтган асрда табиий бойликларнинг ўзлаштирилиши, темир йўллар ва саноат корхоналарининг қурилишида рус миллат вакиллари кўпчиликти ташкил этган [10].

Вилоятнинг табиий географик ўрни ва иқлим шароити аҳолининг ҳўжалигига, турмуш тарзига ҳамда халқларнинг шаклланишига таъсир этмасдан қолмаган. Вилоят ҳудудининг шимол ва шимолий ғарбий қисми чўл ва бепоён даштлар, жануб ва жанубий-шарқий қисмлари тоғлардан иборатдир. Шунингдек, вилоятнинг шимол ва шимолий ғарбий қисмидаги чўл ҳудудларида асосан чўл-адир чорвачилиги шаклланган бўлиб, улар Томди, Учқудук ва Конимех туманлари учунгина хосдир.

Жануб ва жанубий-шарқий қисмлардаги суғорма деҳқончилик ҳудудларида ҳўжаликнинг уч асосий тури шаклланган бўлиб, улар суғорма деҳқончилик, дашт-адир чорвачилиги, тоғ чорвачилиги ва боғдорчилигидан иборат.

Навоий вилояти ҳудуди қадимдан турли этнос вакиллари истикомат қилган ҳудудлардан бири бўлиб, бу ерларда ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, форсийлар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, араблар ва бошқа

миллат вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Улар қадимдан хунарамандчилик ва қосибчилик, темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, аравасозлик, бешикчилик, чармчилик, наматчилик, қандолатчилик, мисгарлик, тош ўйиш ва унга ишлов бериш шўғулланган.



1-расм. Навоий вилоят аҳолиси миллий таркиби (киши ҳисобида)

Вилоят қадимдан полиэтник ҳудудлардан бири ҳисобланиб, араб, баҳрин, бурқут, бек, галавур, ғубомбор, ғўлон, ғўлом, жалойир, қапа, кенагас, қаллар, қалмоқ, қорақалпоқ, қорача, қипчоқ, қирғиз, қўнғирот, қутчи, мангит, маҳсим, метан, минг, мисит, моври, мўғул, найман, олапойча, сайд, саёд, таҳчи, тома, турк, туркман, ҳўжа, эшон, эрони, эсавой, эсару каби 40 дан ортиқ уруғлар кенг тарқалган [3:20-21]. Бу уруғ-қабил

номларининг кўпчилиги ҳозирги кунда қорақалпоқ, қозоқ, татар, нўғай, қирғиз, бошқирд, туркман ва бошқа туркий халқларнинг тилларида ҳам учрайди. Шунингдек, уруғларнинг тарқалиши натижасида уруғ номи билан боғлиқ қишлоқлар шаклланган. Масалан, манғитлар тарқалиши билан боғлиқ Хатирчи туманидаги Манғит қишлоғининг пайдо бўлиши, Бурқутларнинг тарқалиши Навбахор туманидаги Қуйи бурқут ва Юқори бурқут ҳамда Хатирчи туманидаги Бурқут қишлоқлари пайдо бўлганлиги бунга яққол мисолдир.

Вилоятда кўп сонли уруғлардан бири - бу ўзбекларнинг манғит уруғидир. Манғитлар Хатирчи туманидаги Эломонтёпа, Денов, Чилош, Навбахор туманидаги Ижанд, Янғихаёт, Қизилтепа туманидаги Ғардиён, Зармитан, Қипчоқ, Конимех туманидаги Октепа қишлоқларида истиқомат қиладилар. Баъзи бир тарихий манбаларда келтирилишича улар овчилик билан кун кечиришган кейинчалик деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаган.


Бурқутлар эса келиб чиқиши Дашти Қипчоққа бориб тақаладиган уруғлардан бири. 1924 йилда Ўрта Осиёни районлаштириш комиссияси томонидан Нурота ҳудудида 600 киши, Карманада 2390 киши, Самарканд вилоятининг Бурқут қишлоғида 400 киши бурқут уруғига мансублар борлиги аниқланган [4].

Вилоятда тожиклар Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Нурота, Қизилтепа, Навбахор, Кармана туманларининг шаҳар ва қишлоқларда кўпчиликни ташкил этади. Жумладан уларнинг 63,1 фоизи қишлоқларда 36,9 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Навоий вилояти географик жиҳатдан жуда мураккаб, бир томондан қозоқ-қорақалпоқлар, иккинчи томондан тожикларнинг жойлашганлиги, учинчи томондан эса саноатлашганлиги учун бошқа миллат вакиллариининг таъсири кучли бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Тожикларнинг аксарият қисми Нурота шаҳри, Ғозгон, Деҳибаланд қишлоқлари ҳамда Нурота туманининг тоғли ҳудудларида жойлашган Синтоб, Соб, Сумбулоқ, Катта Эж, Каттасой, Кичиксой қишлоқларида, Қизилтепа туманининг Арабон, Собунгарон, Тожикон, Майизгарон, Зармитан, Узилишкент, Ванғози, Азизобод, Оқолтин қишлоқларида шунингдек, Навбахор туманининг Арабхона, Арабсарой, Вомитан ва Ҳашман қишлоқларида ўзбеклар билан аралаш ҳолда тарқалган. Бу қишлоқлар аҳолисининг асосий қисми чорвачилик, деҳқончилик кулолчилик, тадбиркорлик ва уй ҳунармандчилиги билан шуғулланади. Нурота шаҳри, Ғозгон, Деҳибаланд тожиклари эса қадимдан ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, каштачилик, зардўзлик ва тошга ишлов бериш билан шуғулланиб келади (2-расмга қаранг).

Б.Х.Кармишевнинг тадқиқотларида Нурота туманида 1930 йиллар гача тожикларнинг ўндан ортқ йирик қишлоқлари мавжуд бўлган. Бироқ, Ўша даврда собиқ совет ҳукумати томонидан амалга оширилган аҳолини қўриқ ерларга кўчириш сиёсати натижасида кўплаб тожик қишлоқлари бўшаб қолган. Сентоб, Катта ва Кичик Эж ва Соб каби йирик қишлоқлар аҳолисининг маълум қисмигина ўз қишлоқларида қолган. Маданияти жиҳатдан Бухоро шаҳрига яқин бўлган Ғозгон, Деҳибаланд ва Нурота шаҳри аҳолиси Нурота тизма тоғидаги тожикларни ўзларидан фарқлаган ҳолда, уларни *тоғчи* деб аташганликлари келтирилган [2:7]. Тожикларнинг келиб чиқишини этнографик олим А.П.Хорошхин ўз тадқиқотларида Сирдарё бўйлари яъни Чордара ва Туркистон оралиғида жойлашган Эчкилизор деган жойлар билан боғланган [9]. Шунингдек, Туркистон шаҳри ва Бухоро шаҳрини боғлайдиган қарвон йўли орқали ўтган бир гуруҳ туркистонликлар томонидан асос солинган деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу йўл Ғозгон, Деҳибаланд ҳамда Қизилтепа туманининг бир қанча қишлоқларида ўтган. Чунки Нурота туманининг шимолий-ғарбий ёнбағри бўйлаб қадимдан Буюк Ипак йўлининг ўтганлиги бунинг исботидир.



2-расм. Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник картаси

Муаллифлар томонидан ишланган Марказий Осиёдаги қадимги кўчманчи халқлардан бири ҳисобланган халқи бу- қорақалпоқлардир. Уларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикасида шунингдек, Навоий вилоятининг Учқудук, Томди, Конимех ҳамда Нурота туманининг Конимех ва Томди туманларига туташ қисмларида истиқомат қилади. Шунингдек, қорақалпоқлар вилоятнинг Навбахор туманидаги Кескантерак ва Тукманғит қишлоқларида ҳам яшайди. Улар ўз тилларини унутиб, ўзбеклашиб кетган.

Тилшунос олима Н.Муродованинг тадқиқот ишларида уларнинг қўнғирот, қипчоқ, кенас ва четон (муйтен) каби уруғ номлари ҳозир ҳам мазкур ҳудуд аҳолиси ўртасида сақланиб келаётганлигини келтирилган [3]. Бутунги кунга келиб вилоятда улар 23284 киши бўлиб, шундан шаҳарларда 8651 киши, қишлоқларга эса 14606 киши тўғри келади.

Қорақалпоқларнинг бир қисми қозоқлар билан биргаликда Қизилқум чўлининг жануби-ғарбий ҳудудларига келиб ўрнашади [8]. Вақт ўтиши билан вилоятнинг Томди, Конимех, Учқудук ва Нурота туманининг айрим қишлоқларида қозоқлар билан қорақалпоқларда бир-бирига қўшилиб кетиш жараёни жадал кечади яъни бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва бошқа анъаналарини йўқотиб, иккинчи халқа қўшилиб кетиши кузатилади.

Қизилқум чўлининг Томди, Конимех ва Нурота туманига туташ ҳудудларини ўтган асрнинг бошларида кўчманчи-чорвачилик билан шуғулланувчи қорақалпоқлар Л.С.Толстова томонидан ўрганилган. Тадқиқотчи Қизилқум чўлида истиқомат қилувчи қорақалпоқларнинг улар билан ёнма-ён яшовчи қозоқлардан фарқи ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро этномаданий жиҳатларини таҳлил қилган [8].

Нурота туманининг шимолий-шарқий қисмидаги воҳа қозоқлари ўзларини кичик жуз, яъни Кичик ўрда қозоқлари деб атаганлар. Бу ерда қозоқларнинг қангли, ўчоқли, тўбикти, орғин, қозоёқли, қўлаган, олчин, кете, тўрибой каби уруғлари истиқомат қилган. Нурота шаҳрида эса кичик жуз қозоқларининг элим, тўртқира, кете, ўлтай кете, арғин, найман, қитилақ каби этник гуруҳлари яшайди Кейинги даврдаги маълумотларда улар ўзларини қозоқ-қорақалпоқ номи билан атай бошлаганлар [7]. Шунингдек, Б.Х.Кармишева асарларида қозоқларнинг қиёт, ушақти, қорақалпоқ, қангли, қайчили-жалоир, мўйтин-қўнғирот, табин каби уруғлари ҳам яшаганлигини келтириб ўтади [2:11].

Қорақалпоқлар яшайдиган қишлоқ ва овуллариининг ҳар бирини этикдўзи, дурадгори, такачиси, аравасози ва зарғари бўлган. Томди, Учқудук ва Конимех туманларининг қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан тўқувчилик, гиламдўзлик, кигиз яшаш ҳамда чорвачиликнинг қўйчилик, қоракўлчилик, йилқичилик, туячилик тармоқлари билан шуғулланган. Юқорида таъкидлаганимиздек уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили ўзаро бир-бирига яқинлиги туфайли бу тармоқлар қозоқ халқларида ҳам яхши шаклланган.

Қозоқлар вилоятининг Учқудук, Томди, Конимех ва Нурота туманларида кўпчиликни ташкил этади. Вилоят аҳолисининг 3,6 фоизини (37066 киши) қозоқлар ташкил этади. Яъни вилоятда аҳоли сони жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Энг кўп қозоқ миллат вилоятнинг Нурота туманига тўғри келади 8285 киши, кейинги ўринда Томди тумани (6769 киши яъни бу икки туманда қозоқларнинг 42 фоизи тўғри келади).

Нурота воҳасига туташ ҳудудларда яшовчи қозоқлар тўғрисида В.Пельцнинг асарида қимматли маълумотлар келтирилган [5:38]. Узунқудук қишлоғида яшайдиган қозоқлар Нурота туманининг ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолиси билан яқин алоқада бўлиб келади. Б.Х.Кармишева Қизилқум ҳудудида қозоқларнинг қиёт, ушакти, қорақалпоқ, қанғли, қайчили-жалоир, мўйтин-қўнғирот, табин каби уруғларнинг яшаганлигини келтириб ўтади [2:11].

Навоий вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Томди ва Учқудук туманларида яшовчи аҳоли асрлар давомида туркий ва туркий бўлмаган бошқа миллат вакиллари билан бирга яшаб келган. Бундай жараён тилларнинг бир-бирига таъсир этишига сабаб бўлади. Вилоятнинг Конимех, Томди ва Учқудук туманларида қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбеклар аралаш ҳолда яшайди. Қозоқ миллатига мансуб аҳолининг манғит, буркут, хитой, қўнғирот каби уруғ-қабилалари мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Чунки кўпгина туркий халқларнинг ташкил топишида ҳам бу уруғ-қабилаларнинг «иштирок этганлиги маълум. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Демак, манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дурмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшқи, найман, чимбой, шункарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, арғин, буркут, барлос, жалоир, қарлук, нукус, уйшин, ўтарчи,

қатағон, қулаң, арлат, қушоёқли, буркут каби этнослар ўзбек ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа туркий элатларининг халқ сифатида шаклланишида иштирок этган муҳим компонент ҳисобланади [1:79-76].

Шунингдек, арабларнинг Марказий Осиёга кўчиши кўп асрлик тарихга эга. Уларнинг аجدодлари VII-XIV асрлар давомида келиб ўрнашиб қолган. IX аср географи Ёқубийнинг фикрича. Моваровнаҳд таркибидаги Хвросонда асосан араблар истикомат қилган. Кейинчалик шаҳар аҳолиси маҳаллий аҳоли билан аралашиб, аста-секин ўзларининг миллий хусусиятларини ва энг асосийси. ўз тилларини йўқота бошлаганлар. Улар кўчманчилик билан турмуш кечирган. Араблар вилоятнинг Навбаҳор туманида Арабхона, Хатирчи туманидаги Араб, Қизилтепа туманидаги Хонзурун, Арабон, Қатағон, Андоқ қишлоқларида яшайди. Улар ўзбек, туркман ва тожик миллатининг таркибида ҳам учрайди. Арабларнинг шаклланишида Буюк Ипак йўлини ўтганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

А.Р.Тагаевнинг тадқиқот ишида, ўтган асрнинг бошларида Нурота шаҳрида араблар истикомат қилганлиги келтирилиб ўтилган. Шунингдек, араблар тожиклар билан аралаш ҳолда яшаб келганликлари ва тожикларнинг таъсири натижасида ўз она тилларини унутиб, тожик тилида сўзлаша бошлаганликлари келтирилган [6].

Умуман олганда, Навоий вилоят аҳолисининг миллий-этник таркиби аҳолининг жойлашуви, шаклланиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари қадимги даврлардан буён мураккаб кўриниш эга. Шунингдек вилоятда этнослар бир текисда жойлашмаган. Бинобарин вилоят ҳудудини турли даврларда ўрганган тадқиқотчиларнинг барчаси вилоят аҳолиси этник таркиби мураккаб кўринишга эга эканлигини тадқиқотларида келтирган.

Адабиётлар

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: 1994. 312-б.
2. Кармишева Б.Х., Пещерева Б.М. Материалы этнографического обследования. -С. 7, 11.
3. Муродова М.Ш. Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадияти (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида). Фил. фан. 6-ча фал. док. ... дис. – Т.: 2018. 152-б.
4. Материалы по районированию Средней Азии. -С. 222.
5. Пельц В. Очерки южных Кызыл-Кумов. – Самарканд: 1912.-С. 38-64.
6. Тагаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараёнлар (XX асрнинг I ярми). Тарих фан. ном. ... дисс. – Т.: 2011. 177-б.
7. Толипов Ф.С. Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири-XX аср биринчи ярми). Тарих фан. ном. ... дис. – Т.: 2006. 172-б.
8. Толстова Л.С. Каракалпаки Бухарской области Узбекской ССР (по материалам полевых исследований 1960 г.) // Советская этнография. 1961. № 5. – С. 27-43.
9. Хорошхин А.П. «Народы Средней Азии» («Туркестанские ведомости», 1871 г., № 9 и 10.
10. www.navstat.uz

РЕЗЮМЕ. Навоий вилояти аҳолиси миллий таркибининг ўзига хос хусусиятлар билан бошқа вилоятлардан фаркланади. Ушбу мақолада Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник таркиби ҳудудий хусусиятлари статистик ва этнографик маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек, ушбу маълумотлар асосида, муаллиф томонидан Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник таркибига ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. Население Навоийской области отличается от других регионов своими национальными особенностями. В данной статье на основе статистических и этнографических данных освещаются территориальные характеристики национально-этнического состава населения Навоийской области. Также на основе этих сведений автор разработал национально-этническую карту населения Навоийской области.

SUMMARY. The population of the Navoi region differs from other regions in its national characteristics. This article, based on statistical and ethnographic data, highlights the territorial characteristics of the national-ethnic composition of the population of the Navoi region. Also, on the basis of this information, the author developed a national-ethnic map of the population of the Navoi region.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ШАҲАР АҲОЛИ ПУЊКТЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

О.И.Шерхолов – мустақил тадқиқотчи
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: шаҳар, шаҳарча, аҳоли, туғилиш, ўлим, миграция, никоҳ, ажралиш.

Ключевые слова: город, городок, население, рождаемость, смертность, миграция, брак, развод.

Key words: city, town, population, birth rate, death rate, migration, marriage, divorce.

Кириш. Мустақилликка эришгандан сўнг ҳукумат томонидан республика ҳудудларининг инфратузилмасини яхшилашга киришилди. Иқтисодий жиҳатдан кам ўзлаштирилган ҳудудлар ҳам ривожлантирила бошланди. Бу эса шаҳар ва шаҳарчалар сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Маълумки, Ўзбекистонда шаҳар бўлиши учун аҳоли сони 7 минг киши ва шаҳарча бўлиши учун эса 2 минг киши бўлиши белгиланган. Лекин баъзи ҳолларда истисно тариқасида аҳоли сони юқоридаги мезонлардан ортиқ ва кам бўлиши ҳам мумкин. Шаҳарчалар асосан саноат

корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида таркиб топади. Навоий вилояти хўжалиги асосан тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари саноати ҳамда қишлоқ хўжалигида гўшт-жўн чорвачилигига ихтисослашган. Шунинг учун аксарият шаҳар аҳоли пунктлари юқоридаги омилларга боғлиқ ҳолда ташкил этилган.

Шаҳарлар йирик аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа соҳаларда шуғулланишади. Шаҳар аҳоли манзилгоҳлари ўлчами жиҳатидан йирик ва унда